

ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6,4 / 2023 SJIF(2023)-3,778 Volume-1, Issue-12

## КОМПОЗИТОР С.ЮДАКОВНИНГ “МАЙСАРАНИНГ ИШИ” ОПЕРАСИНИ МУСИҚИЙ ДРАМАТУРГИЯСИ

Сайдов Жасур Шавкатович

Бухоро давлат университети

Мусиқа ижрочилиги ва маданият кафедраси ўқитувчиси

**Аннотация:** Мақолада, биринчи ўзбек ҳажвий операси ривожи, мусиқий драматургияси асар яратилган давр ва композитор ҳажвий опера жанрнинг барча типик хусусиятларига ёндошиб яратганлиги кўриб чиқилган..

**Калит сўзлар:** Опера, либретто, aria, мусиқий драматургия, эпизод, мусиқий портрет.

**Аннотация:** В статье рассматривается развитие первой узбекской комической оперы, музыкальная драматургия периода создания произведения, а также тот факт, что композитор создал комическую оперу в соответствии со всеми характерными чертами жанра.

**Ключевые слова:** Опера, либретто, aria, музыкальная драматургия, эпизод, музыкальный портрет.

**Annotation:** The article discusses the development of the first Uzbek comic opera, the musical dramaturgy of the period of creation of the work, as well as the fact that the composer created a comic opera in accordance with all the characteristic features of the genre.

**Key words:** Opera, libretto, aria, musical dramaturgy, episode, musical portrait.

Алишер Навоий номидаги академик катта опера ва балет театр жамоаси композитор Сулаймон Юдаков, шоир – драматург Собир Абдулла ва М.Мухамедовлар ҳамкорликда “Майсарапнинг иши” номли ҳажвий операни 1959 йилни олтинчи январида томошибинларга ҳавола қилди. Опера премьераси жуда катта кўтаринки руҳда ўтди ва ҳалқ орасида шов – шувларга айланиб кетди. Республикализнинг маданий – маънавий ҳаётида улкан воқеага айланди. Операни мусиқа муаллифи С.Юдаковга, либретто муалифлари С.Абдулла ва М.Мухамедовларга, саҳналаштирган: дирижёр Фазлиддин Шамсуддиновга

ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6,4 / 2023 SJIF(2023)-3,778 Volume-1, Issue-12

Москвадан махсус таклиф қилинган асосий режиссёр Владимир Кандалакига, иккинчи режиссёр Музаффар Мухамедовга, рассом Мели Мусаевга, балетмейстер Мукаррама Турғунбоевага, Хормейстер Ф.Файзига ва асосий ролларни ижрочилари: Майсара – Ҳалима Носировага, Ойхон – Саодат Қобулова, Чўбон Али – Саттор Ярашевга, Мулла дўст – Карим Зокировга, қози – Хусан Исмоиловга, Ҳожи Дарға – Жамол Низомхўжаевга, Ҳидоят – Михаил Давидовга, ҳамда театрни хор, балет ва оркестр жамоаларига минглаб томошабинлар ва матбуот саҳифаларида тасаннолар айтиб, операга юксак баҳо бердилар. Ҳақиқатдан ҳам мазкур операни қиёмига етказиб ижро этишлари томошабинларни мафтун қилди. Опера, йиллар давомида, бир неча авлодлари кўриш – эшитишга мұяссар бўлмоқдалар. Яна шуни айтиш жоизки, мазкур опера XX – асрнинг 60 – 70 йиллари Уфа, Қозон, Алма – Ата, Бишкек, Душанбе, Ашхобод, Москвадаги циган “Ромэн” мусиқали театр, Польшани Лодзи шаҳар опера ва балет театри жамоалари ҳам ўз томошабинларига ҳавола қилдилар. Опера фирма “Мелодия” томонидан бир неча бор кампакт пластинакалар чиқариб, тарғибот қилди. Булар ҳаммаси “Майсарани иши” ҳажвий операни машҳур бўлиб кетганидан далолат беради.

“Майсарани иши” операни бундайин шуҳрат қозонишининг сабаби нимада? Энг аввал шуни айтиш жоизки, асарни мусиқий тили ёрқин миллий оҳангдорлиги, жўшқин – жозибадорлиги ва мусиқий драматургиясининг бадиий бақувватлигига. Мусиқа муаллифи С.Юдаков атоқли шоир ва бастакор Ҳамзанинг шу номли пьесаси асосида ёзилган либреттога мусиқа басталашда операда иштирок этувчи асосий персонажларни ҳатти – ҳаракат ва муносабат, ниятларидан келиб чиқсан ҳолда ёндашиб, ижобий ва салбий образларни хар бирига, алоҳида ўзбек халқ қўшиқ, лапар ва яллаларга жуда яқин турадиган, оригинал, ёрқин жозибали жўш урадиган “Мусиқий портрет”лар яратган. Яъни, ҳажвий опера жанрнинг барча типик хусусиятларига ёндошиб, композитор тез ҳаракат ривожланувчи ҳажвий эпизодлар, саҳна воқеалари узвий равища ўзгаришлари ва боғланишлари, бурро – бурроли речитатив диалогларни мантиқлиги, ёрқин – миллий хушчақчақ мусиқий садоларни таъсирчанликлари билан томошабин – тингловчиларни мафтун қилди.

Опера мусиқий драматургиясининг ривожланиш жараёнида, партитурага киритилган ариялар, дуэт, трио, квартет, квинтет, вокал ансамбллар, оммавий

ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6,4 / 2023 SJIF(2023)-3,778 Volume-1, Issue-12

хорлар, ўринли жойда жаранглайдилар. Симфоник оркестр вокал номерларга биргина жўр бўлиб қолмасдан, у айрим эпизодларда, мустақил равища мухим роль ўйнайди. Юқорида зикр қилинган мусиқий аломатлар мазкур ҳажвий операнинг таъсирли мавқени мукаммал равища бойитадилар.

Операда қатнашувчи персонажлар:

1. Майсара – салобатли, ақил – заковатли бева аёл. 48 ёш, меццо сопрано;
2. Ойхон – ёш, бўйига етган қиз, 18 ёш сопрано;
3. Чўпон Али – ёш навқирон йигит, Майсарани акасини ўғли (жияни), 22 ёш, тенор;
4. Қози – 65 ёш, бас
5. Ҳожи Дарға – 50 ёш, тенор
6. Ҳидоят – қонуншунос, мансабдор йигит – 35 ёш, тенор;
7. Мулла Дўст – қозини хизматкори, 50 ёш, баритон
8. Қишлоқ аҳолиси, дўстлар, дугоналар.

Операнинг қисқача мазмуни.

Воқеа Туркистанда XIX асрда ўтади. Майсарани акаси ўлим олдида ҳовлисини сотиб, сафир қолаётган ўғли Чўпон Алини номига 20 тилло пулни васиқани Қозига, бож пулинин тўлаб, пулни васиқани ўғли вояга етгунга қадар сақлашга топширган ва синглиси Майсарани огоҳтирган. Йиллар ўтади. Чўпон Али вояга етиб Ойхонни севиб, унга уйланишга аҳд қиласди. Чўпон Али ва Майсара Қозини хузурига бир неча бор, пулни ва васихани талаб қилгани боришади. Лекин Қози турли баҳоналар қилиб талабни қондирмайди, чунки нияти бузук ва очқўз Қози ўзи Ойхонга ўйнаш бўлмоқчи ва тилло пулни бергиси йўқ. Миршабларни бошлиғи Ҳожи Дарға ва Қозини ўғли қонуншунос Ҳадоятлар ҳам Ойхонга ўйшан бўлмоқчи ниятида ҳатти – ҳаракатга киришадилар. Бу ҳукмдор ва мансабдор кимсаларни жирканч – ёвуз ниятларини фаҳмлаган Майсара ақл – заковати билан иш тутиб, пухта ўйлаб режали ҳолатда тўймас, очқўз Қози, баджаҳил Миршаб Ҳожи Дарға ва қонунбузар Ҳидоятларни лақиллатиб, ўта кетган ноқулай вазиятга уларни солиб қўяди. Майсара уларни ҳалқ олдида шарманда қилиб, куладилар. Чўпон Али ва Ойхоннинг бир – бирларига бўлган севги – муҳаббатни сақлаб қолди ва улар муроду – мақсадларига етишадилар.

ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6,4 / 2023 SJIF(2023)-3,778 Volume-1, Issue-12

Операни мазмун – ғоявий мантиқи XX – XXI асрларда ҳам мавқеини йүқтотгани йўқ. Чунки инсонлар ҳаётида айрим мансабдор кимсалар ўз манфаатларини қондириш йўлида, лавозимларини сусистеъмол қилувчи зараркунандалар учраб турмоқда. Ана шундай кимсаларни операда нишонга олиб, уларни ниқобини фош қилиб ташланади. Операда иштирок этувчи ижобий ва салбий персонажларни мусиқий “портрет”ларини басталашда, ҳар бирини ҳулқ – атворини, ҳатти – ҳаракатини, ҳис – туйғуларини акс этишда композитор усталик билан керакли усул – интонациялар, мусиқий иборалар топиб, асарни мусиқий драматургик вазиятини рўйи – рост тасвирилашга эга бўлган.

Сулаймон Юдаковнинг “Майсарапни иши” биринчи ҳажвий операси, жаҳонга машҳур бўлган ҳажвий операларни қаторидан муносиб ўрин олди десак муболага бўлмайди. Чунки мазкур операда ҳам опера “буффа”даги каби барча типик хусусиятлари тўла – тўқисдир. Яъни, оҳангдор ариялар, вокал – ансамбллар, оммавий хорлар, оҳангдор ва secco (тез ҳаракатда сўзлаш) речитативлар оркестр садолари билан ҳамоҳанг бирлиқда жонли ва илдам суръатда саҳнада содир бўлаётган жиддий ва ҳажвий вазиятлар, мукаммал равишда тасвириланади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ражабов Тухтасин Ибодович, Ибодов Укта Расулович ОБЕСПЕЧЕНИЕ НАЦИОНАЛЬНОГО НАСЛЕДИЯ В ОБУЧЕНИИ ПЕСНЯМ БУХАРСКОГО ДЕТСКОГО ФОЛЬКЛОРА НА УРОКАХ МУЗЫКИ // Вестник науки и образования. 2020. №21-2 (99). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/obespechenie-natsionalnogo-naslediya-v-obuchenii-pesnyam-buharskogo-detskogo-folklorra-na-urokah-muzyki> (дата обращения: 26.10.2023).
2. Rajabov T. I., Ibodov O. R. O’zbek Xalq Musiqa Merosda O’quvchilarni Vatanparvalik Ruhida Tarbiyalash Vositasi // IJTIMOIY FANLARDA INNOVASIYA ONLAYN ILMIY JURNALI. – 2021. – Т. 1. – №. 6. – С. 139-145.
3. Ибодов У. Р. ИНСТРУМЕНТАЛЬНАЯ МУЗЫКА КАК ОРУДИЕ ПСИХОЛОГИЧЕСКОГО ВЛИЯНИЯ НА ЧЕЛОВЕКА // Рекомендовано к печати Ученым советом Института психологии имени ГС Костюка НАПН Украины (Протокол № 14 от 28 декабря 2020). – 2020. – С. 336.
4. Каюмов Ибрагим Файзулаевич ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ИСТОКИ МУЗЫКИ // Academy. 2020. №11 (62). URL:

ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6,4 / 2023 SJIF(2023)-3,778 Volume-1, Issue-12

<https://cyberleninka.ru/article/n/psihologicheskie-istoki-muzyki> (дата обращения: 26.10.2023).

5. Fayzullaevich Q. I. Culture and art values and aesthetics in formation factors. – 2021.

6. Kholmurodovna R. O., Esanova M. J. The Importance of Imagination and Perception in Traditional Singing Performance //Pioneer: Journal of Advanced Research and Scientific Progress. – 2023. – T. 2. – №. 2. – C. 73-74.

7. Рамазонова У. Х., Сайфуллаева О. М. Развитие чувства ритма у детей //Проблемы науки. – 2021. – №. 1 (60). – С. 49-51.

8. Ramazonova U. X., Esanova M. J. An'anaviy xonandalik rivojida maqomlarning o'rni //Science and Education. – 2022. – T. 3. – №. 1. – C. 496-501..

9. Ramazanova O. K., qizi Mustaqimova G. G. Formation and Development of National Musical Traditions //european journal of innovation in nonformal education. – 2022. – T. 2. – №. 1. – C. 336-339

10. Каримов О. И. Садриддин Айни-знаток и любитель народной музыки //Вопросы науки и образования. – 2021. – №. 13 (138). – С. 21-24.

11. Каримов О. И. Профессиональные музыкальные взгляды будущего учителя музыки //Вестник науки и образования. – 2020. – №. 22-2 (100). – С. 17-20.

12. Boltayev B. H. BUXORO SHASHMAQOMI VA XORAZM MAQOM IJROCHILIGIDA MUSHKULOT (CHERTIM) VA NASR (AYTIM) YO'LLARI SEMANTIKASI //BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI. – 2022. – C. 776-782

13. Hamidovich B. B. Classification of the Bukhara Status (" Shashmakom") System //AMERICAN JOURNAL OF SCIENCE AND LEARNING FOR DEVELOPMENT. – 2023. – T. 2. – №. 4. – C. 109-111.

14. Болтаев Б. Х. Описание приёмы и методики представителей исторического генезиса и этапов узбекского музыкального обучения //Science and Education. – 2022. – Т. 3. – №. 1. – С. 806-813.

15. Azimovna S. M. et al. THE BUKHARA PERFORMANCE STYLE IS A FACTOR IN THE DEVELOPMENT OF MORAL QUALITIES OF TEENAGERS //Academia Science Repository. – 2023. – Т. 4. – №. 04. – С. 1067-1071.

16. Samiyeva M. A., Ramazonov A. V. O 'ZBEK MUMTOZ MUSIQASI-O'QUVCHILAR QIZIQISHINI SHAKLLANTIRISH OMILI //BOSHQARUV VA ETIKA QOIDALARI ONLAYN ILMIY JURNALI. – 2022. – Т. 2. – №. 12. – С. 31-36.

ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6,4 / 2023 SJIF(2023)-3,778 Volume-1, Issue-12

17. Azimovna, Samiyeva Mehriniso. "THE BUKHARA PERFORMANCE STYLE IS A FACTOR IN THE DEVELOPMENT OF MORAL QUALITIES OF TEENAGERS." *Academia Science Repository* 4.04 (2023): 1067-1071.
18. Samiyeva Mehriniso Azimovna, & G'aybullayev Quvonchbek G'olibovich. (2023). THE BUKHARA PERFORMANCE STYLE IS A FACTOR IN THE DEVELOPMENT OF MORAL QUALITIES OF TEENAGERS. Web of Scientist: Interneti
19. Мустафоев Б. И. ОСОБЕННОСТИ УРОКОВ МУЗЫКИ В ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ШКОЛАХ //Достижения науки и образования. – 2019. – №. 1. – С. 46-48.onal Scientific Research Journal, 4(04), 1067–1071
20. Мустафаев.Б.. МУЗЫКАЛЬНО-ОБРАЗОВАТЕЛЬНАЯ И ПРОСВЕТИТЕЛЬСКАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ АБДУРАУФА ФИТРАТА //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2023 - Т. 34. – №. 34 .journal.buxdu.uz <https://buxdu.uz> Page 1 Международный научный журнал № 2 (100), часть 2 «Научный импульс» сентябрь, 2022 361
21. Мустафаев Б. Restoration of the System of Music Education in Uzbekistan in 1920 1940 Years //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2022. – Т. 23. – №. 23.
22. Камолов Ш. Х. Приёмы и методы преподавания музыки в общеобразовательной школе //Science and Education. – 2022. – Т. 3. – №. 1. – С. 602-607
23. Камолов Ш. Х., Бомуродов Ш. Ш. Педагогический характер студенческой молодежи и психологический подход //Academy. – 2021. – №. 3 (66). – С. 60-62.
24. Равшан Р. Р. ЗАМОНАВИЙ БАЙРАМЛАР РЕЖИССУРАСИДА ХАЛҚ ИЖОДИ НАМУНАЛАРИ ТАЪСИРЧАН ВОСИТА СИФАТИДА //TA'LIM VA RIVOJLANISH TAHLILI ONLAYN ILMIY JURNALI. – 2022. – С. 117-122.
25. Равшан Р. Р. ЗАМОНАВИЙ БАЙРАМЛАР РЕЖИССУРАСИДА ТАЪСИРЧАН ВОСИТАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ //TA'LIM VA RIVOJLANISH TAHLILI ONLAYN ILMIY JURNALI. – 2022. – С. 136-144.
26. Равшан Р. Р. ТЕАТР ТОМОШАЛАРИДА ТАЪСИРЧАН ВОСИТАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ //TA'LIM VA RIVOJLANISH TAHLILI ONLAYN ILMIY JURNALI. – 2022. – С. 145-151.
27. Urinov S. K., Nematullayeva S. CULTURAL CENTERS ARE A PLACE OF KNOWLEDGE AND ENLIGHTENMENT //Theoretical aspects in the formation of pedagogical sciences. – 2023. – Т. 2. – №. 4. – С. 100-106.

ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6,4 / 2023 SJIF(2023)-3,778 Volume-1, Issue-12

28. Mo'Minmirzo Zokir O. G. L. et al. TEATR FAOLIYATIDA BOSHQARUV JARAYONLARINI TASHKIL ETISH USULLARI //Oriental Art and Culture. – 2022. – Т. 3. – №. 2. – С. 57-62.
29. Xolmo'minov M. Z. O. L. et al. MADANIYAT MARKAZLARIDA TO'GARAKLARNI TASHKIL ETISH MUAMMOLARI //Oriental Art and Culture. – 2022. – Т. 3. – №. 3. – С. 102-107.
30. Ravshanovich H. H. O'QUVCHI YOSHLARDA IJRO MALAKALARINI O 'STIRISHDA FANLARARO ALOQADORLIK // " USA" INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE TOPICAL ISSUES OF SCIENCE. – 2023. – Т. 8. – №. 1.
31. Ravshanovich H. H., Hakimovich X. J. ESTETIK TARBIYA BERISH JARAYONIDA O'ZBEK XALQINING MUSIQIY MEROSIDAN FAYDALANISH //World of Science. – 2023. – Т. 6. – №. 6. – С. 73-74.
32. Ravshanovich H. H. MUSIQA DARSLARINI O'QITISHDA FANLARARO ALOQADORLIKNING AHAMIYATI //JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH. – 2023. – Т. 6. – №. 6. – С. 11-14.
33. Абдуллаев К. Ф., Умирова М. Ё. ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ УРОКА ПЕНИЯ В НАЧАЛЬНОЙ ШКОЛЕ //CENTRAL ASIAN JOURNAL OF MATHEMATICAL THEORY AND COMPUTER SCIENCES. – 2023. – Т. 4. – №. 2. – С. 66-69.
34. Umurova M. Y. Educational Significance of Children's Folklore Songs //AMERICAN JOURNAL OF SCIENCE AND LEARNING FOR DEVELOPMENT. – 2023. – Т. 2. – №. 4. – С. 148-152.
35. Umurova M. Y. Formation of Patriotic Feeling in Youth Students through Folk Songs //Pioneer: Journal of Advanced Research and Scientific Progress. – 2022. – Т. 1. – №. 4. – С. 99-103.
36. Saidov J.Sh. O'zbek opera san'atining shakllanish asoslari//“Central Asian journal of education and innovation” Volume 1, Issue 2, December 2022, pp 140-143; <https://doi.org/10.5281/zenodo.7439632>
37. Saidov J.Sh O'zbek opera san'atining mustaqillik davrida rivojlanish bosqichlari /TECHNICAL SCIENCE RESEARCH IN UZBEKISTAN-2023. Volume 1, Issue-4 C.88-95: <http://universalpublishings.com>